

баҳоланади:

- Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- Жавобларда хатоликларга йўл қўйилганлик;
- Билмаслик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



“КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ”
ФАНИНИНГ

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

| | |
|-------------------------------|---|
| Билим соҳаси: | 300000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук |
| Таълим соҳаси: | 310000 – Ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар |
| Таълим мутахассислиги: | 70310102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |
| Ўқув соатлари ҳажми: | 150 соат |
| Маъруза | 30 (2 семестр - 30 с.) |
| Амалий | 30 (2 семестр – 30 с.) |
| Мустақил таълим | 90 (2 семестр - 90с.) |

Тошкент-2021

Мазкур фаннинг ишчи ўқув дастури 70310102- Иқтисодиёт (тармоклар ва соҳалар бўйича) мутахасислиги малака талаблари ва ўқув режаси асосида тайёрланган.

Мазкур ишчи фан дастури “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасининг 2021 йил “ 26 ” августдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, тасдиқлаш учун тавсия этилган. (1 -сонли баённома).

Мазкур ишчи фан дастури “Иқтисодиёт” факультет ўқув-услубий кенгашининг 2021 йил “ 26 ” августдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, тасдиқлаш учун тавсия этилган. (1 -сонли баённома).

Мазкур ишчи фан дастури Ўзбекистон Миллий университети ўқув-услубий кенгашининг 2021 йил “ 27 ” августдаги 1-сонли баёни билан тасдиқланган.

Тузувчи:

Абулкосимов Х.П. -ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Такризчилар:

Муминов Н.Г. - ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди

Хошимов П.З -ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

**Иқтисодиёт факультети
декани:**

**“Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси мудири:**

**Магистратура бўлими
бошлиғи**



А.Умаров

Н.Муминов

Н.Мажидов

Талаба билимини баҳолаш

Талаба билимини баҳолаш кредит-модуль тизимига мувофиқ ишлаб чиқилган Низом асосида амалга оширилади.

| Назорат тури | ОБ | ЯБ |
|-----------------|------------|-------------|
| Ўтказилиш вақти | 7-8- ҳафта | 19-20 ҳафта |
| Назорат шакли | Ёзма* | Ёзма* |

Оралик баҳолаш: фаннинг маъруза ва амалий машғулотлари қисмига тегишли тенг ярми ўтиб бўлингандан сўнг сўнг ОБ олинади. Бунда ўтилган мавзуларга доир 2 тадан назарий ва 1 тадан амалий ёзма саволлари варианти тарқатилади. Олдиндан тузилган 3 тадан ёзма вариантларини тўла ечган талабага ҳар бир тўғри жавоб учун максимал 5 баҳо берилади.

Якуний баҳолаш ўтилган барча мавзулар бўйича тузилган вариантлари асосида ўтказилади. Бунда ҳар бир талабага семестр давомида ўтилган мавзулар бўйича 2 тадан назарий ва 1 тадан амалий ёзма савол вариантлари тарқатилади. Талаба ёзган жавобининг ҳар биридан максимал 5 баҳо тўплаш имкониятига эга. Умумий баҳо ўртача арифметика асосида чиқарилади.

**Изоҳ. Назоратлардаги ҳар бир савол ва топшириқлар қуйидаги баҳолаш мезонлари бўйича баҳоланади.*

Талабалар билимини баҳолаш мезонлари

а) “5” (аъло) баҳо учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Ҳулоса ва қарор қабул қилиш;
- Ижодий фикрлай олиш;
- Мустақил мушоҳада юрита олиш;
- Олган билимларини амалда қўллай олиш;
- Моҳиятини тушуниш;
- Билиш, айтиб бериш;
- Тасаввурга эга бўлиш;

б) “4” (якши) баҳо учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Мустақил мушоҳада юрита олиш;
- Олган билимларини амалда қўллай олиш;
- Моҳиятини тушуниш;
- Билиш, айтиб бериш;
- Тасаввурга эга бўлиш;

в) “3” (қониқарли) баҳо учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Моҳиятини тушуниш;
- Билиш, айтиб бериш;
- Тасаввурга эга бўлиш;

г) талабанинг билим даражаси “2” (қониқарсиз) деб куйидаги ҳолларда

- амалий машғулотлар;
- гуруҳларда ишлаш;
- тақдимотларни қилиш;
- индивидуал лойиҳалар;
- жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.

VII. Кредитларни олиш учун талаблар:

Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириши, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиши, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариши, якуний назорат бўйича ёзма ишни топширишлари лозим.

VIII. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Б.А.Абдукаримов, А.Н. Жабриев, Н.Р.Зугуров, А.Т.Кутбетдинов, М.К.Пардаев, Э.Ш.Шавкиев Корхона иқтисодиёти - Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти, 2005
2. Экономика: учеб. / А.И. Архипов (и др.); под ред. А.И. Архипова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, 2008
3. Чуев И.Н., Чуева Л.Н. Экономика предприятия. Учебник. -5-е изд., прер и доп. –М.: «Дашков и К», 2008
4. Скляренко В.К., Прудников В.М. Экономика предприятия: Конспект лекций. — М.: ИНФРА-М, 2008.

Қўшимча адабиётлар

1. Мокий М.С. Экономика организации (предприятия): Учебное пособие / М.С. Мокий. – 2 – е изд., испр. М.: «Экзамен», 2007.
2. Эффективная организация: Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008.
3. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу предприятия: учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2007
4. Экономика предприятия (фирмы): Учебник/ Под ред. О.И. Волкова и доц. О.В. Девяткина. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2007.
5. Экономика предприятия: Учебник для вузов /Под ред. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара. — 4-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007

Ахборот манбаалари

1. www.uzreport.com – Ўзбекистон янгиликлари;
2. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси сайти;
3. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали;
4. www.ziynet.uz – Ўзбекистон Республикаси электрон кутубхонаси.

| Фан/модуль коди MIQ12125 | Ўқув йили 2021-2022 | Семестр 2 | ECTS - Кредитлар 5 | | |
|-----------------------------|------------------------|--------------|-------------------------------------|------------------------------|--------------------------|
| Фан/модуль тури Танлов | Таълим тили Ўзбек | | Ҳафтадаги дарс соатлари 4 | | |
| 1. | Фаннинг номи | | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
| | Корхона иқтисодиёти | | 60 | 90 | 150 |

I. Фаннинг мазмуни

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози даврида, Ўзбекистон шароитида корхона фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ва уни амалиётда қўллаш услублари бўйича билим, кўникма ва малакани шакллантиришда иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларга назарияда ва амалиётда қўлланиладиган иқтисодий категорияларни; корхонанинг бошқарув тўзилишини ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларини; корхона фаолиятини режалаштириш ва тартибга солиш тамойиллари ва усулларини; ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини; турли мулк шаклларида асосланган корхоналарни ташкил этиш ва уларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлларини; ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш йўлларини; инновацион технологияларни кенг жорий этиш йўлларини; ишлаб чиқариш жараёнларида содир бўладиган қонуниятларни аниқлаш ва шу орқали ишлаб чиқариш жараёнларига иқтисодий баҳо бериш йўлларини, усулларини ишлаб чиқишни жорий қилишни; меҳнатни ташкил этиш ва уни рақбатлантиришнинг энг мукамал тизимини ишлаб чиқаришни ва жорий этиш йўлларини; корхона фаолиятини юритишда содир бўладиган турли вазиятларни таҳлил этиш ва тўғри ҳулосалар қилишни ва таклифлар киритишни билиш ва амалга оширишни ўргатишдан иборат.

II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

II.1. Фан таркибига қуйидаги мавзулар кирди:

1. Курснинг мазмуни ва вазифаси

Ўзбекистон шароитида «Корхона иқтисодиёти» курсининг иқтисодиётдаги аҳамияти ва иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни. Иқтисодий фанлар тизими. Тормоқлар иқтисодиёти. Умумиқтисодий фанлар. Махсус иқтисодий фанлар. Корхонанинг жамиятдаги тутган ўрни. «Корхона иқтисодиёти» фани ўрганиладиган масалалар таркиби. Курснинг объекти, предмети ва вазифалари. Корхонанинг ҳўжалик механизми. Корхона иқтисодиёти фанининг усуллари. Иқтисодий ахборотлар таснифи.

2. Корхона - мустақил ҳўжалик юритувчи бозор субъекти

Корхона - бозор иқтисодиётининг ҳўжалик субъекти. Унинг мақсади

ва вазифалари. Миллий иктисодиётни ишлаб чиқариш таркиби. Миллий иктисодиётни тармоқлар ва соҳалар мажмуаси. Корхонанинг мақсади. Корхонанинг вазифалари. Корхона фаолиятига ички ва ташқи муҳитлар таъсири. Корхонанинг ижтимоий меҳнат тақсимои тизимидаги ўрни. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида, Ўзбекистон шароитида иктисодиётнинг эркинлатириш ва модернизациялаш шароитида корхоналар фаолиятини асосий йўналишлари Корхона тушунчаси, белгилари, шакллари ва турлари. Бозор субъектларининг олди-сотди предметлари. Концерн, корпорация, холдинг компанияси, молия-саноат гуруҳлари, трансмиллий компания, агрофирмалар. Корхоналар фаолиятини лицензиялаш. Патентли лицензия, лицензиялар ўз характери ва ишлатиш ҳуқуқининг ҳажмига қараб қуйидаги турларга ажратилади: оддий, махсус, тўла лицензия. Давлат корхоналарини ислоҳ қилиш. Ўзбекистон Республикасидаги хусусийлаштириш модели. Ўзбекистондаги бозор ислохотлари жараёнларини амалга оширувчи ижро органлари. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Корхона фаолиятини истеъмолчилар талабига йўналтириш. Махсулотларни стандартлаш метрология ва сертификациялаш. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва корхонани бошқаришда раҳбарнинг ўрни. Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

3. Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш

Корхонани ташкил этиш қоидалари. Корхонанинг ташкилий – таркибий бошқарув тузилмаси. Корхонани барпо этилишининг узига ҳос ташкилий босқичлари. Корхонани барпо этиш ҳужжатлари ва уларни руйхатдан ўтказиш тартиби. Корхонанинг устави. Корхона мулки. Мулк объекти ва субъекти. Мулк шакллари. Корхона мулкнинг манбалари. Корхонанинг молиявий барқарорлиги. Корхонанинг яшаш цикллари. Корхонанинг ташкил қилиш ва фаолиятини тиклаш, реорганизация, реструктуризация, санация. Корхонанинг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар. Корхонанинг ташки иктисодий шартномалари. Халқаро шартномалар, келишувлар, кодекслар, хартиялар ва битимлар. Шартномалар турлари.

4. Корхона ва унинг таркибий бўлинмаларини бошқариш

Корхона фаолиятида бошқарув тушунчаси ва унинг объектив зарурияти. Корхона фаолиятида бошқарув ролининг ошиб боришига таъсир этувчи омиллар. Корхоналарни бошқариш тушунчалари. Корхоналарни бошқарув хусусиятлари. Бошқарувнинг таркибий қисми. Бошқарув субъекти. Бошқарув объекти. Корхонани бошқаришнинг замонавий тамойиллари, шакллари ва услублари. Бошқарув тамойиллари. Бошқарув шакллари. Бошқарув услублари тизими. Корхонани бошқаришни йўналишлари. Корхонани бошқариш аппарати. Корхонани бошқариш тизимини тамойиллари. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва корхонани бошқаришда раҳбарнинг ўрни. Бошқариш тизимида раҳбарлик роли. Корхона раҳбарини хусусиятлари.

амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали қуроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

| № | Мустақил таълим мавзулари | соат ҳажми |
|-------------|--|---------------|
| 1. | Амалий машғулотларга тайёргарлик | 30 |
| 2. | Корхона фаолиятини лицензиялаш. | 10 |
| 3. | Корхонани барпо этиш ҳужжатлари ва уларни руйхатдан ўтказиш тартиби. | 10 |
| 4. | Бизнес - режа тушунчаси, турлари ва таркиби. | 10 |
| 5. | Харажатларни қоплаш муддати - харажатлар самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи. | 10 |
| 6. | Корхонанининг ишлаб чиқариш қуввати ва уни ҳисоблаш усуллари | 10 |
| 7. | Айланма маблағлар ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари | 10 |
| ЖАМИ | | 90 |

V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландирган компетенциялар)

Фанни ўзлаштириш натижасида магистрант:

Корхона иктисодиёти фанининг мақсади ва вазифалари, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида, Ўзбекистон шароитида корхона фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ва уни амалиётда қўллаш услублари ҳақида **тасаввур ва билимга эга бўлиши**;

Назарияда ва амалиётда қўлланиладиган иктисодий категорияларни; корхонанинг бошқарув тўзилишини ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши ва уларни қўллаш **қўникмаларига эга бўлиши**;

Корхона фаолиятини режалаштириш ва тартибга солиш тамойиллари ва усулларини; техник янгилаш ва диверсификация қилиш йўллари; инновацион технологияларни кенг жорий этиш йўллари; ишлаб чиқариш жараёнларида содир бўладиган қонуниятларни аниқлаш ва шу орқали ишлаб чиқариш жараёнларига иктисодий баҳо бериш йўллари; усулларини ишлаб чиқишни жорий қилишни; меҳнатни ташкил этиш ва уни рақбатлантиришнинг энг мукамал тизимини ишлаб чиқаришни ва жорий этиш йўллари; корхона фаолиятини юритишда содир бўладиган турли вазиятларни таҳлил этиш ва туғри ҳулосалар қилишни ва таклифлар киритишни билиш ва амалга оширишни **билиши ва улардан фойдалана олиши малакаларига эга бўлиши керак**.

VI. Таълим технологиялари ва методлари:

- маърузалар;
- интерфаол кейс-стадилар;

| | | |
|-----|---|-----------|
| 7. | Корxonанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати. | 2 |
| 8. | Корxonанинг айланма фондлари ва айланма маблағлар. | 2 |
| 9. | Ходимлар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни корxonанинг. | 4 |
| 10. | Ишлаб чиқариш фаолияти, харажатлари, фойдаси рентабеллиги. | 2 |
| 11. | Корxonанинг инвестициявий фаолияти. | 4 |
| 12. | Корxonанинг хавфсизлиги ва тижорат сири. | 2 |
| | Жами | 30 |

III. Амалий машғулотлар

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда ҳар бир академик гуруҳга алоҳида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади, “Кейс-стади” технологияси ишлатилади, кейслар мазмуни ўқитувчи томонидан белгиланади. Кўргазмали материаллар ва ахборотлар мультимедиа қурилмалари ёрдамида узатилади.

| № | Амалий машғулотлар мавзулари | Дарс соатлари хажми |
|-----|---|---------------------|
| 1. | Курснинг мазмуни ва вазифаси | 2 |
| 2. | Корхона - мустақил хужалик юритувчи бозор субъекти | 2 |
| 3. | Корxonани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш. | 2 |
| 4. | Корхона ва унинг таркиби булинмаларини бошқариш | 4 |
| 5. | Корхона фаолиятида бизнес-режалаштириш ва прогнозлаш. | 2 |
| 6. | Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги. | 2 |
| 7. | Корxonанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати. | 2 |
| 8. | Корxonанинг айланма фондлари ва айланма маблағлар. | 2 |
| 9. | Ходимлар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни корxonанинг. | 4 |
| 10. | Ишлаб чиқариш фаолияти, харажатлари, фойдаси рентабеллиги. | 2 |
| 11. | Корxonанинг инвестициявий фаолияти. | 4 |
| 12. | Корxonанинг хавфсизлиги ва тижорат сири. | 2 |
| | Жами | 30 |

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва амалий масалаларни ечиш кўникмасини ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, мустақил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда Интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва илмий докладлар тайёрлайдилар,

5. Корхона фаолиятида бизнес-режалаштириш ва прогнозлаш

Бозор иқтисоди шароитида режалаштиришнинг методология асослари. Режалаштириш назарияси. Режалаштириш усуллари. Стратегик, жорий ва тезкор режалаштириш усуллари. Режалаштириш босқичлари. Стратегик режалаштириш босқичлари. Узок муддатли режалаштиришнинг босқичлари. Режалатириш жараёнига қўйлади. талаблар. Режалаштириш тамоиллари, услублари ва курсаткичлари. Корхонада режалаштириш тизими ва режанинг турлари..Режаларни таснифи. Корхона фаолиятига таъсир қувчи омиллар. Корхона фаолиятига таъсир қилувчи ташқи ва ички муҳит. Корхона фаолиятининг умумий кўриниши. Корхона режасининг бўлимлари ва кўрсаткичлари. Натурал ва киймат микдорлардаги кўрсаткичлар. Бизнес-режа тушунчаси, турлари ва таркиби. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва йирик бизнес субъектлари учун бизнес- режа ишлаб чиқиш.

6. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги

Ишлаб чиқариш: самарадорлигининг моҳияти, мезонлари ва кўрсаткичлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида, Ўзбекистон шароитида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш йўналишлари. Самарадорлик тушунчаси моҳияти. Ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик тушунчалари. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишининг таркибий қисмлари. Самародликни ўлчаш кўрсаткичлари тизими. Ишлаб чиқариш харажатларининг умумий, абсолют ва қиёсий-иқтисодий самарадорлиги. Харажатларни қоплаш муддати харажатлар самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

7. Корxonанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати

Асосий фондлар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни. Корxonанинг айланма ва узок муддатли активлари. Узок муддатли активларнинг тузилиши. Асосий фондлар. Номоддий активлар. Капитал қўйилмалар Узок муддатли молиявий қўйилмалар. Асосий фондларнинг турлари, таркиби ва кўрсаткичлари. ишлаб чиқариш асосий фондлари. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари. Асосий ишлаб чиқариш фондлари гуруҳлари. Асосий фондларнинг актив ва пассив қисмлари. Асосий фондларни ҳисобга олиш ва режалаштириш. Асосий фондларни баҳолашнинг бошланғич, қайта тикланиш ва қолдик қиймати. Асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскиришнинг. Амортизация ажратмаси. Асосий фонларни модернизациялаш. Корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати ва уни ҳисоблаш усуллари. Асосий фондлардан эктенсив фойдаланиш кўрсаткичлари. Асосий фондлардан интенсив фойдаланиш кўрсаткичлари. Асосий ишлаб чиқариш фондаларидан интеграл фойдаланиш кўрсаткичлари. Фондлар қийматини оширувчи омиллар. Асосий ишлаб чиқариш фондаларидан фойдаланишни оширувчи асосий йўналишлар. Корxonаларни

модеонизация қилиш, техник ва технологик қайта жтҳозлашни янада жадалаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

8. Корхонанинг айланма фондлари ва айланма маблағлар

Айланма фондлар ва айланма маблағлар туғрисида тушунча. Айланма ишлаб чиқариш ва муомала фондлари. Айланма фондларнинг таркиби, шаклланиш манбалари ва фойдаданиш курсаткичлари. Ишлаб чиқариш заҳиралари. Келгуси давр ҳарвжатлари.

Ишлаб чиқаришда айланма фондлардан фойдаланишни баҳолаш. Моддий ресурслар сарфи кўрсаткичлари ва моддий ресурслардан фойдаланиш даражаси.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ўзи тайёрлаган ярим тайёр маҳсулотлар. Айланма фондларни тежашни иқтисодий аҳамияти. Корхона айланма фондлар элементларини тежаш. Моддий ресурсларни тежашнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари. Айланма маблағлар ва уларнинг самарадорлигини ошириш йуллари. Айланма маблағлар таркиби ва структураси. Айланма маблағларни шаклланиш манбалари. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш. Айланма маблағлар нормаси.

9. Ходимлар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни

Глобаллашув ва бозор муносабатлари шароитида ходимларни танлаш принципи, уларнинг таркиби ва тавсифи. Корхонада меҳнат ресурслари. Корхонада ходимлар сиёсати. Кадрлар қонимсизлигини камайтириш ва бандлигини кафолатлаш. Самарадорлик ва унумдорликни ошириш йуллари. Меҳнатни илмий ташкил этиш принциплари. Меҳнат тақсимотининг шакллари. Меҳнат шартномаси ва пудрат шартномаси. Кадрларнинг кетиш, қабул қилиш,

барқарорлик ва қўнимсизлик коэффицентлари. Меҳнат меъйорини аниқлаш. Хронометраш ва иш кунининг фотографияси усуллари. Меҳнат унумдорлиги концепцияси ва унинг корхона фаолиятидаги аҳамияти. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг тамойиллари. Меҳнат унумдорлигини ошириш концепцияси. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларининг таснифи ва тавсифи. Корхонада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги. Меҳнат унумдорлиги даражаси. Меҳнат унумдорлигини ошириш манбалари. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қоидалари, шартлари ва корхонада иш ҳақини тартибга солиш. Иш ҳақи шакллари ва тизимлари. Ягона тариф сеткаси моҳияти.

10. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти, харажатлари, фойдаси рентабеллиги

Харажатлар туғрисида тушунча ва уларнинг таснифи. Моддий ва меҳнат харажатлари. Тижорат харажатлари. Ишлаб чиқариш харажатлари. Ижтимоий сугуртага ажратмалари. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлари. Давр харажатлари. Бошқарув харажатлари. умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа операция харажатлари. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Фавқулодда зарарлар. Фойда ва ўни шакллантириш

манбалари, фойдани тақримлаш тартиби, купайтириш йуллари. Корхона фойдасининг шаклланиш манбалари. Корхона соф фойдасининг тақсимоли. Корхона фойдасини купайтириш йуллари. Рентабелликнинг иқтисодий мазмуни ва кўрсаткичлари.

Рентабелликнинг кўрсаткичлари. Ялпи фойда ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳисоб-китоби. Корхонада соф фойданинг шаклланиш жараёни. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида, Ўзбекистон шароитида фойда ва рентабелликка таъсир килувчи омиллар.

11. Корхонанинг инвестициявий фаолияти

Инвестицияларга оид тушунчалар мазмуни, инвестиция таснифи ва аҳамияти. Молиявий ва номолиявий инвестициялар. Инвестиция – молия бозорининг элементидир инвестицияларнинг турлари. Инвестиция манбалари ва уларнинг корхонага. қуйиш соҳалари. Инвестиция манбаларини шакллантириш. Молия бозорларини таснифи.

Пул бозори. Қимматли қоғозлар бозори. Сармоялар бозори. Инвестициявий лойихалар самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни аниқлаш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш йуллари. Корхонанинг инвестиция стратегияси. Инвестицион лойиха. Инвестиция лойихасининг самарадорлигини ҳисоблаш. Инвестиция рентабеллиги. Инвестиция оқимини дисконтлаштириш.

12. Корхонанинг хавфсизлиги ва тижорат сир

Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади ва вазифалари. Хавфсизлик тушунчасининг моҳияти. корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги тушунчаси. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги тамойиллари. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш вазифалари. Корхона хавфсизлик хизмати, унинг функциялари ва таркиби. Корхона хавфсизлик хизмати таркиби. Корхона хавфсизлиги хизмати функциялари. Банкротлик ҳақи турлари. Корхонанинг тижорат сир моҳияти. Тижорат сирининг ҳимояси. Тижорат сирини ҳимоя қилиш механизми. Рақобатчилар туғрисида ахборот олиш услублари. Ахборотларнинг қўлга киритилиши бўйича турлари. Ахборотларни ҳимоя қилиш субъектлари.

| № | Маърузалар мавзулари | Дарс соатлари ҳажми |
|----|--|---------------------|
| 1. | Курснинг мазмуни ва вазифаси | 2 |
| 2. | Корхона - мустақил хўжалик юритувчи бозор субъекти | 2 |
| 3. | Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхташиш. | 2 |
| 4. | Корхона ва унинг таркибий булинмаларини бошқариш | 4 |
| 5. | Корхона фаолиятида бизнес-режалаштириш ва прогнозлаш. | 2 |
| 6. | Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги. | 2 |